Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 20 октябрь, сешанба № 206 (21.304).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Малайзия давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳорун жаноблари мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Малайзияга ташрифи чоғида Малайзия билан Ўзбекистон ўртасида алоқалар ўрнатилгани ва мамлакат халқи бу ташрифни қизғин кутиб олгани ҳақида сўзлади. Малайзия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши Жанубий Осиё минтақаси ва Ўрта Осиё минтақаси ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, деб ишонч билдирди.

Ислом Каримов Малайзиянинг Жануби-Шарқий Осиё минтақасида, қолаверса, жаҳон иқтисодиётида тутган мавқеи Туркистондаги барча мустақил давлатларни, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам қизиқтираётгани тўғрисида гапирди. Яқин келажакда жаҳон сув йўлларига чиқишга уринаётган Ўзбекистон Малайзияни ишончли ҳамкор сифатида танияжак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Муҳаммад ҲОРУН

1943 йил 11 апрелда Малайзиянинг Жохор шаҳрида туғилган. Малайзия коллежи ва Уэльс графлиги (Буюк Британия) Аберистуит шаҳри дорилфунун коллежида ўқиган. 1964 йили Магна Кум Лоуде Британия академиясини халқаро сиёсат ва халқаро ҳуқуқ ихтисоси бўйича тугаллаган. 1964 йилнинг ўзида Вашингтондаги Жон Хопкинснинг халқаро муносабатлар мактабида таълим олган. 1974 йили Жакартадаги (Индонезия) «Лемханас» Индонезия миллий ҳарбий коллежини тугаллаган.

1964-65 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги котиби ёрдамчиси

1965-68 йиллар — Вашингтондаги (АҚШ) Малайзия элчихонасининг иккинчи котиби

1969-70 йиллар — Вашингтондаги (АҚШ) Малайзия элчихонасининг биринчи котиби

1971-72 йиллар — Вашингтондаги Малайзия элчихонаси маслаҳатчиси, элчи ўринбосари

1973 йил — Малайзиянинг Вашингтондаги элчихонасида вазир-маслаҳатчи, Малайзиянинг АҚШдаги ишлар вакили

1973-76 йиллар — Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги котибининг сиёсат ва режалаштириш бўйича ўринбосари

1976-78 йиллар — вазир ва Малайзиянинг Канберра шаҳридаги (Австралия) элчисининг ўринбосари

1979-81 йиллар — элчи, Малайзия ташқи ишлар вазирлиги котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

1981-85 йиллар — Малайзиянинг Даккадаги (Бангладеш) элчиси

1985-88 йиллар — Малайзиянинг Деҳлидаги (Ҳиндистон) элчиси, ўриндошлик бўйича Малайзиянинг Непал ва Маврикиядаги элчиси

1988-89 йиллар — элчи, Ташқи ишлар вазирлиги бош котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

1989-91 йиллар — Малайзиянинг СССРдаги элчиси, ўриндошлик бўйича Малайзиянинг Булғория ва Мўғулистондаги элчиси

1992 йил — Малайзиянинг Россия Федерациясидаги элчиси, ўриндошлик бўйича Малайзиянинг Булғория, Мўғулистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистондаги элчиси

1992 йил июль — Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича Москвада қароргоҳи бўлган фавқулодда ва мухтор элчиси

Оилали, бешта фарзанди бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

• Президент фармони—эл дармони

«МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ АМАЛДА

Республика Президенти ва ҳукумати томонидан маҳалла фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги фармони фикримизнинг далилидир.

Бинобарин, «Маҳалла — ота-онанг» деб бежиз айтмаганлар. Зеро, Ватан ҳам ана шу маҳалладан бошланади. Ҳали бу жойларда ободонлаштириш ишлари ўлда-жўлда, ижтимоий адолатсизликлар мавжуд бўлса-да, аммо аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, андиша бор. Энг муҳими тинчлик бор, жиноятчилик кам. Тинчликни сақлашда маҳаллаларнинг роли жуда каттадир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан «Маҳалла» жамғармасининг республика марказий банкидаги 700-сон ҳисоб рақамига 25 миллион сўм пул ўтказилди, деб айтилди. Бу маблағ албатта республика аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб-асрашга ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар ва боқувчисиз қолган ёлғиз қарияларга инсонпарварлик меҳр-шафқати кўрсатиш, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга сарфланади, албатта. Ҳозир кўплаб ташкилот ва корхоналар ҳам «Маҳалла» жамғармасига пул ўтказмоқдалар. Маълумки, бундан бир неча йил муқаддам Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан «Маҳалла» дастури қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда биргина Тошкентнинг ўзида 300 дан ортиқ маҳалла бўлиб, уларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўйлаймизки, «Маҳалла» жамғармаси ана шу маҳаллаларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга, «Маҳалла» дастурини тезроқ амалга оширишга кўмаклашади.

Хўш, ана шу «Маҳалла» дастури қандай амалга оширилмоқда? Айни пайтдаги ижтимоий мураккаб пайтда Эски шаҳар маҳаллаларида аҳвол қандай?

Биргина Шайхонтохур районни ҳудудида 57 та маҳалла жойлашган. Лекин бу жойларда истиқомат қилаётган минглаб оилалар қулайликлардан маҳрум эди. Шунинг учун ҳам «Маҳалла» дастурига биноан 1990 йилдан буён бу жойларда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, унга биноан йўллар ва йўлаклар, сув тармоқлари таъмирланди. Бундан ташқари районда 7,7 гектар ер кўкламзорлаштирилди, 9,7 километр электр тармоқлари таъмирланди, 715 хонадон телефонлаштирилди. Ўтган йили Ҳувайдо маҳалласидаги 169-мактабда 450 ўринга мўлжалланган қўшимча бино битказилди. «Оқлон» маҳалласида 650 кишига мўлжалланган тиббий маскан ишга туширилди. «Чақар», «Камолон», «Фаол», Ибн Сино номли маҳаллаларда 8 та озиқ-овқат дўкони ва унинг шохобчалари, «Бўстон» маҳалласида эса сабзавот дўкони, «Оқлон» маҳалласида 60 кишига мўлжалланган чойхона қурилди. Ибн Сино даҳасида маҳалла маркази қурилиб, ишга туширилди.

Президентимизнинг маълум фармонларидан сўнг «Маҳалла» дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар бирмунча жонланди. «Марказ-15» мавзесида 320 ўринли, «Қоратош» мавзесида 144 ўринли, Спутник кўчасида эса 190 ўринли болалар боғчалари қурилиши мўлжалланмоқда. Янги Ўзбекистон кўчасида поликлиника, «Гулобод» маҳалласида сабзавот дўкони, «Наврўз» ва «Оҳакчи» маҳаллаларида озиқ-овқат дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қурилиши ҳам мўлжалланяпти.

Кўплаб муштарийлар редакцияга мактуб йўллаб, Эски шаҳарнинг қайси кўчаларидаги уй-жойлар бузилишини сўрашган эди. Биз ана шу савол билан район ҳокимиятига мурожаат қилганимизда, шундай жавоб олинди: — Шайхонтоҳур районининг капитал — қурилиш режасига мувофиқ, «Марказ-15» мавзесида эски уйларни бузиш ниҳоясига етмоқда. Бу ерда 9 қаватли панел уйлар ва 4—5 қаватли ғиштли уйлар, болалар боғчаси ва мактаб қуриш мўлжалланмоқда. «Марказ-16» мавзеси қурилиши учун мўлжалланган қолган эски уй-жойлар бузилмайди. У ерда истиқомат қилаётган оилаларга ўз турар жойларини таъмирлаш ва янги иморатлар қуришга рухсат этилади. Навоий, Фурқат, Ўзбекистон, Абай кўчалари кесишган жойлардаги ичкари томонга жойлашган уй-жойлар шундайлигича қолади, бузилмайди. Таъмирлаш учун бузиш ишлари қайд этилган кўчалар бўйлаб кўча юзидан 100 метр ичкариликда олиб борилади. У ерда истиқомат қилувчи оилалар эски уйларини таъмирлашлари мумкин. Янги уй-жой қурилиши учун рухсатномалар берилади. Самарқанд дорбоза кўчалари кесишган жойларда ҳам қурилиш ишлари олиб борилади. Ичкари томонда жойлашган оилалар эса ўз уй-жойларини ўз кучлари билан таъмирлайдилар. Районнинг Эски шаҳар қисмидаги қолган уй-жойлар бузилмайди ва уларга янги қурилиш учун рухсат берилади ёки эски уй-жойлар район ҳокимиятининг рухсатига биноан таъмирланади.

Ўйлаймизки, «Маҳалла» дастури тўла амалга ошса, шаҳарнинг Эски шаҳар маҳаллаларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи янада обод, янада яхшироқ, янада мазмунлироқ бўлиши шубҳасиздир.

Т. ТОШЕВ.

ЖИЗЗАХ ТАНТАНАЛАР ТАРАДДУДИДА

Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият комиссияси ўзининг бу галдаги мажлисини Жиззахда ўтказишга қарор қилди. Тошкентдан қариб 200 чақирим нарида ўтган бу тадбирда комиссиянинг барча аъзоларни қаторидан хато бўлмай, кун совуқ бўлишига қарамай, эрта саҳардаёқ автобус жўнаб кетиши керак бўлган Мустақиллик майдонида йиғилишган эди.

СУРАТДА: комиссия ҳайъати.

Мустақиллик майдони... Унинг жаҳонга кўз-кўз қилишга арзийдиган гўзаллигига маҳлиё бўлиб турар экан-миз, ўша — баланд бўйли, юзи ним табассум билан порлаб, кўзларидан олижаноб нур йилтираган Инсон— Шароф Рашидов худди ёнимизда тургандек туюлди. Сафарга отланганларнинг кўпчилиги шундай фикрни айтишди. Ҳа, у худди биз билан бирга, ёнма-ён юргандек эди. Бу ҳол у улуғ инсон ҳақидаги хотираларни, ёркин ёдгорликларни қайта-қайта эсга солади, суҳбатга чўғ ташлайди.

— Тошкентнинг ана шундай гўзал шаҳар бўлишидан, жумҳуриятдаги каттакатта бинолар барпо бўлишидан Рашидов олдида қарздорлик ҳиссимиз бор, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло. — Бу бизни Ўзбекистонни янада ёрқин гулшанга, тараққий этган ўлкага айлантиришимизга хизмат қилиши керак.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон—Польша:

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

«Ўзбекистон иқтисодиётида юритилаётган «очиқ эшиклар» сиёсати хорижий мамлакатларнинг ишбилармон доираларини тобора ўзига жалб қилмоқда». Республикамизга амалий ташриф буюрган Польша Республикаси ҳукумати делегацияси раҳбари, Польша Республикаси ташқи иқтисодий ҳамкорлик ишлари вазири Анжей Арендарский бу жумлани бир неча маротаба такрорлади.

Маълумингизким, шу йил Варшавада Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. Польша савдо-саноат, банк доиралари, фирма-компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегация мазкур шартномани ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда ҳал этиш учун Тошкентга келди.

Польша делегацияси билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекшартномасавдо» ва «Ўзбекенгилсаноатсавдо» давлат акционерлик компаниялари, «Ўзмевасабзавотвиносавд о» концерни раҳбарлари ўртасида ўтган музокаралар биргина шартнома доирасида чекланиб қолмади. Иккала томон ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини билдиришди.

— Мамлакатларимиз орасида битилган шартнома ўз самарасини келтиряпти, — деди Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, — лекин биз савдо-сотиқ алоқаларининг барқарор, мунтазам ва кенг кўламли бўлишидан манфаатдормиз.

Учрашувларда таъкидлан ганидек, бунинг учун давлатлар ўртасидагина эмас, балки хўжалик субъектлари ўртасида ҳам бевосита мол айирбошлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Амалий руҳда ўтган музокараларда иккала мамлакатда қўшма корхоналар, ўз моли билан ўзи савдо қиладиган савдо шохобчаларини очиш, банклар фаолиятини мувофиқлаштириш, польшалик ишбилармонлар учун ҳуқуқий мезонлар ва шароитларни шакллантириш, савдосотиқ барқарорлигини таъминловчи транспорт муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Чунончи, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий имтиёзлар меҳмонларни бефарқ қолдирмади. «Ўзбекистондаги мавжуд қонунлар тизими, — деди Польша ташқи иқтисодий ҳамкорлик ишлари вазири А. Арендарский, — мамлакатингизга чет эл сармоясининг кириб келишига имкон яратади.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ўртасида 1992-1993 йилларга мўлжалланган ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков Польша Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилди. Учрашувда томонлар бўлиб ўтган музокара натижаларидан қониқиш ҳосил қилганларини маълум қилиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Т. НУРМУҲАМЕДОВ, (ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

МДҲ мамлакатларидан келтириладиган энергия манбаларининг нархи ошганлиги, нефть ва газ қазиб олиш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш харажатлари кўпайганлиги ва республикага етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари анча қимматлашганлиги муносабати билан, шунингдек ёқилғи-энергетика мажмуи ва халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 16 октябрь куни «Энергия ресурсларининг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш тўғрисида» ва «Озиқ овқат маҳсулотларининг нархларини тартибга солиш ҳамда чорва ва сут харид нархларини ошириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Қарорларга мувофиқ, 1992 йил 19 октябрдан бошлаб нефть, табиий ва суюлтирилган газ, газ конденсати, электр, иссиқлик энергияси ва кўмир истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар шартномавий (эркин нархлар) ва тарифлар бўйича амалга оширилади, бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ва қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли бундан мустаснодир.

Жорий 1992 йилда МДҲ мамлакатларида, жумладан, энергия манбалари нархларига узлуксиз эрк берилмоқда. Масалан, Россия Федерациясида кейинги ярим йилнинг ўзида нефть ва нефть маҳсулотларининг нархлари икки марта—аввалига 1,75 баравар, шу йилнинг октябрида 3,5 баравар оширилди. Ҳамдўстликнинг бошқа республикаларида ҳам нарх-наво мана шундай ошиб бормоқда.

Қуйидаги жиддий далилга ҳам эътиборни қаратмоқ керак: ҳозир Ўзбекистон энергия манбалари асосий турларининг анчагина қисмини Россия, Қозоғистон ва Туркманистондан олмоқда. Чунончи, четдан келтирилаётган нефть ва нефть маҳсулотларининг ҳажми 75 фоизни, кўмир ҳажми 33 фоизни, суюлтирилган газ ҳажми 90 фоизни ташкил этади ва ҳоказо. Мазкур минтақаларда мана шу энг муҳим хом-ашё ресурсларининг нархлари салкам бир йил муқаддам шартнома қоидаларига ўтказилган.

Ҳозир электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, нефть ва табиий газ қазиб олиш, аҳолига уй-жой ва коммунал ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш харажатлари кескин ошиб кетди. Биттагина мисол келтирамиз. Республикада бир киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш чиқими 2 сўм 29 тийинни ташкил этади, аҳоли учун тариф эса атиги 40 тийин ёки 5,7 баравар арзон қилиб белгиланмоқда. Бунда чиқимларнинг 82 фоизи бюджет ҳисобидан қопланмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар, шунингдек МДҲ мамлакатларида энергия манбаларининг шартномавий (эркин) улгуржи нархлари ошгани республика ҳукуматини ана шу қарорларни қабул этишга мажбур қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 19 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,13	63,46
Андижон	1,68	60,98
Бухоро	2,42	59,44
Наманган	2,01	52,09
Сурхондарё	1,87	49,93
Хоразм	2,13	48,20
Қашқадарё	2,85	46,54
Қорақалпоғистон Республикаси	2,57	38,56
Навоий	2,21	31,25
Тошкент	2,95	28,24
Самарқанд	1,70	18,13
Сирдарё	2,74	17,07
Жиззах	1,68	13,65
Республика бўйича	2,15	42,08
1991 йилдагиси	1,60	89,21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Қарорларда кўзда тутилишича, 19 октябрдан бошлаб бир литр автобензиннинг нархи 30 сўм миқдорида белгиланади, бир тонна кўмирнинг нархи 1,4, суюлтирилган газнинг нархи эса 1,66 баравар оширилади.

Уруш қатнашчилари ва фахрийларига, уруш ва меҳнат ногиронларига сотиладиган бензиннинг имтиёзли нархи сақлаб қолинади, уларга ойига 50 литргача миқдорда, ҳар бир литри учун 10 сўмдан бензин бериш белгиланади.

1992 йил 1 ноябрдан бошлаб табиий газнинг нархи 1,5 баравар оширилади, электр энергия тарифи 1 киловатт соат учун 40 тийин қилиб белгиланади, марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти нархлари 5 баравар, шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш ҳақи 2 баравар оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1992 йил 19 октябрдан бошлаб бюджет ҳисобидаги ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларига табиий газ, электр энергия ва иссиқлик энергияси, кўмир шартномавий нархлар ва тарифлар бўйича бериладиган бўлади, аммо уларнинг нархлари ва тарифлари ҳозирги вақтда амалдаги нархлар чекланган ошириш коэффициентлари қўлланилган ҳолидан ошиқ бўлмайди.

Ҳатто аҳоли учун белгиланган янги оширилган чакана нархлар ва тарифларнинг даражаси ҳам энергия манбалари ишлаб чиқариш чиқимларини қопламаслигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу нарх ва тарифларга оид маълумотлар қуйидагича:

(сўм ва тийин ҳисобида)

	ўлчов бирлиги	маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат чиқимлари	маҳсулот ва хизмат тарифи ёки нархи бюджетдан қопланадиган чиқимлар	(бирлик учун сўм ва тийин ҳисобида)
Электр энергия	1 кат-соат	2—29	0—40	1—89
Табиий газ	1000 куб. м.	449—40	150—00	299—40
Суюлтирилган газ	1 кг	14—74	5—00	9—74
Кўмир	1 тонна	2289—00	700—00	1589—00
Иссиқлик таъминоти	1 гкал.	1307—00	37—50	1269—50
Транспорт	1 сафар	4—20	2—00	2—20

Жадвалдан кўриниб турибдики, чиқимларнинг асосий улушини давлат ўз зиммасига олади, ҳамма турдаги чиқимларнинг 52—97 фоизи бюджетдан қопланади. Фақат шу йилнинг IV чорагида аҳолига кўмир сотишдан кўриладиган зарарни қоплаш учун бюджетдан 1,6 миллиард сўм, иссиқлик энергияси билан таъминлашдан кўриладиган зарарни қоплаш учун 4,2 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилади. Транспорт хизматининг бюджетдан қопланадиган зарари 1,6 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистонда жорий этилаётган янги чакана нархлар ва тарифлар МДҲ мамлакатларидаги нархлар ва тарифлардан камроқдир. Чунончи, Қозоғистонда бир тонна кўмирнинг амалдаги чакана нархи 1660 сўм, Тожикистонда эса 1000 сўм бўлгани ҳолда, бизнинг республикамизда кўмирнинг чакана нархи ўрта ҳисобда 700 сўм қилиб белгиланмоқда. Қозоғистонда аҳоли учун иситишга ишлатиладиган бир минг куб метр табиий газнинг қиймати 1080 сўм, Қирғизистонда 830 сўм, Ўзбекистонда эса 150 сўмдир.

Шу туфайли ёқилғи-энергетика ресурслари ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифлари кўзда тутилганидек оширилганида оила бюджетининг харажатларида коммунал хизматлар ҳақининг улуши унчалик кўп ошмайди ва бир оилага ўрта ҳисобда 4 фоизни ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма фактлар бутун халқ хўжалигимизнинг самарадорлигига таъсир қилиши табиий, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ва унинг улгуржи нархлари ошиб бораётган ҳамма жойда кузатилмоқда.

Чунончи, мазкур сабабга кўра, шунингдек ем-хашак ва асбоб-ускуналарнинг нархи ошиб кетганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг чорва ва сут учун янги харид нархлари жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул этилди. Уларнинг харид нархлари — тирик вазндаги мол гўшти учун 1,5 баравар, қўй гўшти учун 1,3 баравар, чўчқа гўшти учун 1,7 баравар оширилди ва сўйилган вазндаги 1 килограмм гўштнинг ўртача нархи 120 сўмни ташкил этади. Сутнинг харид нархлари икки баравар оширилди ва 1 литри 10 сўмни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида чакана нархларни ҳам оширишни талаб қилди.

Ўзбекистон ташқаридан ташиб келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига қилинадиган харажатлар кўпайиб бораётганлиги чакана нархларнинг ошишига объектив равишда таъсир қилувчи бошқа бир муҳим омилдир. Республика ҳукумати бу ҳақда аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб келмоқда. Масалан, Қозоғистондан 1 килограмм буғдой сотиб олиш бизга 25 сўмга тушмоқда. Шу буғдой унининг 1 килограмми, саноатнинг қайта ишлаш харажатлари ҳисобга олганда, камида 35 сўм туради. МДҲ республикаларидан гўшт 90—100 сўм, сариёғ 180—200 сўм нархда келтирилмоқда.

Бундан ташқари чет эллардан жаҳон нархларида ва валюта эвазига озиқ-овқат харид қилинмоқда. Бироқ, долларнинг сўмга нисбатан қадри доимо ошиб бориши сабаби бу маҳсулотларни харид қилиш республикага МДҲ мамлакатларидан харид қилишдан ҳам қимматга тушмоқда. Масалан, жаҳон бозорида 1 тонна буғдой 130 доллар, 1 тонна чой 2200 доллар, 1 тонна гўшт 1150 доллар туради. Газетхон бу нархларни сўмга айлантириб ҳисоблаши қийин эмас. Газетанинг шу сони босилиб чиққан пайтда долларнинг қадри тағин ҳам юқорироқ бўлишини билганимиз учун биз бундай қилмадик.

Мана шу сабабларга кўра, қарорга биноан 19 октябрдан бошлаб республикада қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг янги чекланган чакана нархлари (ўрта ҳисобда) жорий этилди: 1 килограмм буханка (оқ, қораброқ, жавдар) нон — 10 сўм, ун — 12 сўм, макарон — 22 сўм, гуруч — 25 сўм, ўсимлик ёғи — 20 сўм, чой — 120 сўм, ҳамма турдаги 1-тоифа 1-нав гўшт (парранда гўштидан ташқари) — 80 сўм, қаймоғи олинмаган 1 литр сут — 10 сўм, кир совун — донаси 10 сўм, тухум учун шартномавий (эркин) нархлар белгиланади.

Шунга қарамай, республика ҳукумати аҳолини ва энг аввало, кам даромадли табақаларни ижтимоий ҳимоя лаш мақсадида озиқ-овқатнинг чакана нархлари кескин кўтарилишини чеклаб, маҳсулот бирлиги нархларининг кўп қисмига бюджетдан дотация бермоқда. Чунончи, янги чакана нархларга биноан аҳолига талонлар бўйича сотилаётган ҳар килограмм гўшт учун бюджетдан 60 сўм, ҳар килограмм ун учун 18 сўм, (ўрта ҳисобда) гуруч учун 4 сўм, ўсимлик ёғи учун 7 сўм, чой учун 140 сўм, бир дона кир совун учун 7 сўм ажратмоқда ва ҳоказо.

Ҳатто айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг мана шу янги чакана нархлари шароитида ҳам бу нархлар Ўзбекистонда МДҲнинг бошқа минтақаларига нисбатан анча паст. Қуйидаги жадвал маълумотларидан буни кўрса бўлади.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПОЙТАХТЛАРИДА АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИ

(қилоси, сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Бишкек	Киев	Олма-ота
1 Тоифа мол гўшти	80-00	92-00	100-00	132-00	121-00
Ўсимлик ёғи	20-00	58-00	100-00	120-00	86-00
Сут (бир литр)	10-00	14-00	12-00	12-00	11-00
Қанд-шакар	45-00	73-00	80-00	100-00	90-00
Олий нав буғдой уни	15-00	15-00	30-00	—	41-00
Олий нав буғдой унидан ёпилган нон	11-00	25-00	34-00	—	15-00
Жавдар унидан ёпилган нон	4-00	12-00	10-00	14-00	8-00
Олий нав буғдой унидан макарон	24-00	45-00	55-00	110-00	60-00

Ҳукуматнинг чакана нархлар кўтарилиши таъсирини юмшатишга қаратилган ташкилий ва молиявий тадбирлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1992 йил 1 октябрдан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олдини олиш чоралари кўрилди. Маълумки, Республика Президентининг фармони билан иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 2000 сўм қилиб белгиланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига нафақаларнинг энг оз миқдори 2500 сўм асосида тўланади, бунда Улуғ Ватан урушининг III гуруҳ ногиронларига тўланадиган нафақалар энг оз иш ҳақи даражасига етказилди. Бюджет ҳисобидаги барча муассаса ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баравар оширилди. Фуқаролар даромадларининг солиқ солинмайдиган оз даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгиланди

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланмаган ўқувчиларининг стипендиялари 1,6 баравар оширилди. Талабаларнинг ошхона ва буфетлари тушликлар қийматидан 50 фоизлик чегирма сақлаб қолинди. Республика маҳалла комитетлари раислари ва котибларининг ойлик маошлари 2 баравар оширилди.

Болали оилаларга мадад бериш мақсадида болалар учун ҳозир амалда бўлган ижтимоий нафақалар 1,5 баравар кўпайтирилди. Жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига энг оз ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болали оилаларга нафақа тўланиши белгилаб қўйилган.

Биринчи марта никоҳ тузадиган келин-куёвларга гилам буюмлар ва мебель сотишнинг имтиёзли тартиби сақлаб қолинди, оилага тўланадиган товон миқдори 1500 сўмдан 5000 сўмгача кўпайтирилди.

Мана шу чора-тадбирлар учун ҳар ойда республика бюджетидан салкам 5 миллиард сўм қўшимча харажат қилинади.

Қарорларда тегишли вазирликлар ва идораларга эркин (шартномавий) нархлар белгилаш интизомини, ёзиб қўйилган чекланган нархлар ва тарифлар даражасига қатъий риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА, ТАЙЁРМИСИЗ?

Халқ ғамини еб яшамоқ керак

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА МАЖЛИС

17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Унда Республика халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари, вилоятлар ва шаҳар ҳокимликларининг ўринбосарлари, айрим ноҳияларнинг ҳокимлари, концернлар ва уюшмалар, бирлашмалар, суд, прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Йиғилишда «Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, уларни қишга асраш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларининг аҳволи тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, кўпгина вилоятлар ва ноҳияларнинг ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкооптайёрловсавдо», Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбексавдо», Ўзбекбирлашув уюшмалари раҳбарлари ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари вужудга келган ҳозирги шароитда мева-сабзавот ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ҳамда картошка, мева-сабзавот, узум ва боғдорчилик маҳсулотларини белгиланган ҳажмда қишга тайёрлаш бўйича топшириқларни бажариш, қишлоқ хўжалиги барча ишларини муваффақиятли тугаллашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тўла тушуниб етмаётганлари йиғинда таъкидлаб ўтилди.

Фактлар шундан далолат берадики, ҳокимликларнинг бу ишга лоқайдлиги ва назоратсизлик оқибатида Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омборларда кам картошка сақлашга қўйилган. Умуман, республикамизда кам сабзавот ғамланган. Ресурслар мавжудлигига қарамай, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пиёз жамғариш пайсалга солинмоқда. «Ўзбексавдо» ва Ўзбекбирлашув уюшмаларининг бўлинмаларида маҳсулотларни сақлаш ишлари ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. Шу билан бир вақтда катта миқдордаги мева-сабзавот маҳсулотлари республиканинг ташқариси га олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилаётгани ташвишлари ҳам бор.

«1992/93 йилнинг кузқиш даврида республика халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлашнинг аҳволи (Фарғона вилояти мисолида), иситиш қозонхоналарининг шайлиги, ёқилғи заҳираларини бунёд этиш ва резерв идишларини мазут билан тўлдириш ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов маъруза қилди.

Мажлисда қайд этилганидек, вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, маҳаллий кенгашлар, тасдиқланган дастурларга мувофиқ хўжаликларни қиш шароитида ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бироқ халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида режалар ўз вақтида бажарилмади.

Объектларни моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи билан таъминлашда аҳвол мураккаблашганига эътибор қаратилди. Асбоб-ускуналар, ёқилғи материалларининг нархи ошиб бораётган, хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтилаётган ҳозирги шароитда турли даражалардаги раҳбарларнинг ўз вақтида қарорлар қабул қилишда йўл қўйган камчиликлари айрим тадбирларнинг ва Вазирлар Маҳкамаси протокол топшириқларининг бажарилиш муддатлари барбод бўлишига олиб келмоқда.

Фарғона вилоятида қишга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Маҳаллий бошқарув органларининг, вазирликлар ва идоралар вилоят бўлинмаларининг, ана шу йўналишдаги ташкилотчилик фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги айтиб ўтилди.

Шундан кейин кун тартибининг навбатдаги масалалари — «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимовнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

● Тола олишни 1,2 фоиз кўпайтириш 5 миллион сўмга яқин фойда келтирди.

● Маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига кўрилган фойда 2 миллион 312 минг сўмдан ошди.

● Завод ишчилари ва уларнинг фарзандлари текин сут билан тўла таъминланган. Гўштни арзон нархда олишмоқда.

● Пахта тозаловчилар посёлкасининг ярми газлаштирилган. Йил охиригача ҳамма хонадонларга газ ўтказиладиган бўлди.

Минг қўшчига бир бошчи, деганлари рост экан. Маълумки раҳбарнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, билими, маҳорати, ҳалоллиги ишнинг юришиши учун жуда зарур. Йўқса жамоага қийинлиги сўнгги пайтда Боёвут пахта тозалаш заводида, айниқса, қаттиқ сезилди. 1982 йилдан бери ўтган давр мобайнида ҳисобот даврида сурункали равишда беш-олти минг тонна пахта кам чиқаверди. Бу, бир томондан ишлаб чиқариш жараёнларида технология интизомининг бузилиши бўлса, иккинчи томондан раҳбарнинг ноноклиги туфайли эди.

Натижада йилига директор алмашаверди. Корхона эса зарар кўраверди. Ҳозирги пайтда зарарга ишлайдиган жамоанинг косаси оқармаслиги ҳаммага яхши аён. Буни тўғри тушунган завод меҳнат аҳли масалани кўндаланг қўйишди. Раҳбари ўзимиз танлаб, сайлаймиз, дейишди улар.

Шундай қилиб, 1989 йилда район органларида узоқ вақт раҳбарлик лавозимларида ишлаб тажриба орттирган мутахассис Рустамжон Нурбоевни одамлар ўзларига бошчи қилиб сайлашди.

Ишнинг кўзини биладиган раҳбарнинг ташкилотчилиги корхонанинг оёққа туриб олишида қўл келди. Рустамжон аввало ишни тартиб-интизом ўрнатишдан, берилган топшириқ ижроси устидан назоратни кучайтиришдан бошлади. Атрофига бош муҳандис Ўктам Ўроқбоев, бош ҳисобчи Мурод Пардаев, иқтисодчи Мухтор Жўраев каби иқтидорли, ғайратли мутахассисларни тўплади.

Раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий намуна кўрсатиб ишлаши бошқаларга тезда ўз таъсирини кўрсатди. Жамоада қаттиқ интизом, ишчанлик муҳити юзага келди. Бу ўз-ўзидан ишнинг юришиб кетишига омил бағишлади. Борган сари режа ва топшириқлар ортиғи билан уддалана бошланди. Исрофгарчиликлар барҳам топди. Кўриб келинган зарар ўрни тўлиб, фойда кўрила бошланди.

Масалан, Р. Нуроев заводга директор бўлиб сайланган йили корхона давлатдан саккиз миллион сўм қарз эди. Ўтган икки йилда жамоанинг ҳалол меҳнати эвазига олинган фойда туфайли ундан тўла қутилишди. Қарздан қутилибгина эмас, балки одамларнинг янада самарали ишлаши, яхшироқ турмуш кечириши учун анчагина ишлар ҳам қилинди.

Илгари завод кассасида пул йўқлиги учун ишлаб чиқаришни ривожлантириб, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга жамоанинг қўли калталик қиларди. Тез орада одамлар ўзларининг унумли меҳнатидан баҳраманд бўла бошладилар. Кейинги бир ярим, икки йилда тутдай тўкилай, деб турган ишлаб чиқариш, маъмурий бинолар, боғча, клуб капитал ремонт қилинди. Пахта ва тола сақланадиган бостирмалар қурилди, эскиларининг томи янгиланди.

Завод ишчи-хизматчилари яшайдиган қарийб қирқта уй газлаштирилди. Посёлка ва завод йўллари, шунингдек, ишлаб чиқариш майдончалари — жами 20 минг квадрат метр ерга асфальт ётқизилди. Сартарошхона, қассобхона, новвойхона ишга туширилди.

— Бир вақтлар, яъни ёпасига ёрдамчи хўжалик ташкил этилган пайтда бизда ҳам ёрдамчи чорвачилик хўжалиги хўжакўрсинга тузилганди, — дейди директор. — Моллар шундоққина завод ҳудудида боқилган. Жониворлар балчиққа беланиб, атрофга нохуш ҳид таралиб турган. Бундай шароитда ишлаб чиқариш маданияти ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Биз жамоа билан келишиб, замонавий молхона қурдик. У далада, баҳаво ерда жойлашган. Энг асосийси, молларни қаровини яхшиладик. Ҳозир ишчилар, мактаб, боғча болалари ҳар куни бепул сут олишяпти. Имкониятига қараб арзон нархда гўшт сотяпмиз. Юзта асалари уясидан олинаётган шифобахш неъмат ҳам жамоамиз аъзоларига арзонга сотилмоқда.

Ҳозирги иқтисодий танглик олма пиш, оғзимга туш, деб осмондагини пойлаб ўтиришни эмас, югуриш, изланиш, интилишни талаб қилмоқда. Маъмурият бошқа ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳисобига озиқ-овқат, кийим-кечак келтириб, одамларга сотяпти.

Ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни амалда кўриб турган завод меҳнат аҳли бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга ҳаракат қиляпти. Ҳаракат қилибгина қолмай интиляпти, изланаяпти, қидиряпти ва самарали ишлаш йўлини топяпти. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади.

Бош механик Зокир Аблазизовни заводда қўли гул уста, дейишади. У ҳар қандай машина-механизмни бир кўришдаёқ «касаллиги»ни аниқлай олади. Нуқсонини билибгина қолмай уларни қандай тузатиш, яна ҳам самарали ишлаши учун нималар қилиш лозимлигини яхши билади. Зокир акадан таълим олган Владимир Олимжонов, Зайниддин Тожиев ва бошқа таъмирчилар эҳтиёт қисмлар етишмаётган ҳозирги шароитда жонбозлик кўрсатишяпти. Уларнинг касбига садоқати туфайли барча техникалар бенуқсон ишлаяпти. Шу туфайли ҳам технология интизомининг бузилишига йўл қўйилмаётир.

Натижада исрофгарчилик йўллари беркитилди. Сифатли тола олиш кўпайди. Пахта тозаловчилар ўтган саккиз ой мобайнида хўжаликлардан қабул қилинган 33 минг 967 тонна пахтанинг ҳаммасини июнь ойидаёқ тонна пахта иқтисод қилинди. Кўрилган фойда 5 миллионга яқинлашди.

Корхонада олинаётган тола сифатини яхшилашга ҳам ишга тушди. 40 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилиш арафасида. Жамоа аъзоларининг рўйлиги босқичма-босқич ошириб бориляпти.

қайта ишлаб бўлишганди. Режага кўра қайта ишланган хом ашёдан пландагидан 372 тонна кўп тола олинди. Шунинг ҳисобига 1227 катта эътибор берилаётир. Ҳаракатда баракат, деганларидек, биргина шунинг ҳисобига шу пайтгача 2 миллион 312 минг сўм фойда олинди. Бу ютуққа Муқим Шодиев бошлиқ бригада аъзолари, айниқса Саттор Эрматов, Умар Абдуллаев, Александр Ефанов, Линара Муртазоева, Турсун Мамадалиев каби пешқадамлар баракали улуш қўшишди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек заводда ҳалол меҳнат қилиб, бойлик яратаётганларнинг ўзи ундан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Ишловчилар саломатлигини асраш, атроф муҳитнинг нфлосланишига йўл қўймаслик мақсадида иккита чанг ушлаш камераси қурилиб ишга туширилди. Тола чиқиндиларини пресслайдиган цех, чигит омбори ти. Зарур одамларга 20 сотихдан томорқа олиб берилди.

Илгари завод ҳисобига қурилган уйлар ишчи хизматчиларга шахсий мулк сифатида топширилди. Жамоа меҳнат аҳли бу ғамхўрликка жавобан баракали ишлаяпти. Айни пайтда корхонада қиш мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

К. РИХСИЕВ.

●

СУРАТЛАРДА: пахта заводи ҳаётидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ШТАБ ИШГА КИРИШДИ

● Утган йили об-ҳаво мўътадил келиб, қишда деярли қаттиқ совуқ бўлмади. Шу боис, Наманган вилоятида мавсум алоҳида ҳодиса ва кўнгилсиз воқеаларсиз ўтди.

Хўш, бу йил қиш қандай келади? Буни ҳеч ким билмайди. Бинобарин, айни кузнинг ғанимат кунларида қишга яхши тайёргарлик кўриш, барча уй-жойлар, иншоотлар ва саноат корхоналарини вақтида таъмирлаб қўйиш лозим.

Яқинда вилоят ҳокимлигида шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Энергетика, газ ва коммунал идораларининг раҳбарлари мавсумга тайёргарликнинг борищи ҳақида батафсил ахборот бердилар. Аҳвол таҳлил этилганда, айрим маҳсулотлар, жумладан қувурлар, карбид ва электрод ҳамда бошқа таъмирлаш буюмлари етишмаётганлиги маълум бўлди. Шунга қарамасдан корхона ва ташкилотлар кучларни бирлаштирган ҳолда бир қатор тадбирларни амалга оширишяпти.

Йиғилишда турар жой бинолари, мактаблар ва касалхоналарни совуқ кунларга қолмасдан таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланди. Намангандаги 10-қурилиш трести қошида «Зарбдор ҳаракатдаги штаб»ни тузиш маъқул, деб топилди. Штаб дадил ишга киришди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти

МЕВА-САБЗАВОТ МУРАББОЛАРИ

● Ғиждувон район мавлубот тайёрлов-савдо ташкилотига қарашли Хайрулла Қурбонов бошлиқ консерва ишлаб чиқариш кичик корхонаси жамоаси қиш тараддудини барвақт бошлади. Корхона ташкил этилганига 3 ой бўлса-да, харидоргир маҳсулот тайёрлаб истеъмолчилар олқишига сазовор бўлмоқда.

Корхона ишчилари июль-август ойларида 22 минг шартли банка помидор шарбати ва пастасини тайёрлаб, район савдо ташкилотларига жўнатди. Ҳозир бу ерда олма, беҳи ва бошқа мева-сабзавот хом ашёларидан 14 хилдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

— Мева-сабзавот шарбати ва мурабболари қиш кунлари дастурхонимизни безаши турган гап, — дейди корхона ишчиси Дилфуза Низомова. — Шу боис, куз ҳосилини исроф қилмасдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, корхонада иш қизғин кетяпти. Ишчилардан Мусаллам Сафарова, Мажид Эргашев, Нафиса Алимова, Ғани Ширинов сингарилар кунлик топшириқларини ошириб бажариб, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга эришмоқдалар. Кичик корхона жамоаси йил охиригача 110 минг шартли банка консерва тайёрлашга аҳд қилган.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро вилояти.

ЖИЗЗАХ ТАНТАНАЛАР ТАРАДДУДИДА

АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖУМҲУРИЯТ КОМИССИЯСИ ГАЛДАГИ МАЖЛИСИНИ ЖИЗЗАХДА ЎТКАЗДИ

СУРАТЛАРДА: комиссия мажлиси пайти.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Автобусга чиқдик. Сафарга отланганлар сафига қарар эканмиз, уларнинг юзида ҳам Шукрулло ака айтганидек маънавий-руҳий қарздорлик, ҳурмат-эҳтиромни уққандек бўламиз.

Бектош Раҳимов. Ўзбекистоннинг уч вилоятида раҳбарлик қилган, у ерларда одамлар эсида қоладиган яратувчилик ишларини амалга оширган бу инсон бошига қилич келганда ҳам Шароф Рашидовга садоқатини йўқотмаган.

Оқил Салимов. Ўзбекистон мафкурасида ўзига хос из қолдирган бу одам шундай доруломон кунлар келишини қамоқ зиндонларда ётиб орзу қилган эди.

Абдулла Орипов. Ўзбекистон мустақиллиги учун қалбини пора қилиб қуйлаган бу хассос шоирга қанчалар туҳмат, ҳасад тошлари отилди. Уни жисман, руҳан эзишга, овозини бўғишга интилдилар. Шунда Шароф Рашидов улкан қоядек уни ўз ҳимоясига олгани сир эмас. У қайга борса Шароф Рашидовнинг бир оғиз илиқ каломидан олам-олам илҳом олгани ҳақида эҳтирос билан гапиради.

Солижон Мамарасулов. Ўзбекистон Сув иншоотлари дарғаси бўлган, вилоят раҳбари лавозимида ишлаган ишбилармон бу киши ҳам табаррук зотнинг доно ўгитларини ҳамон унутгани йўқ.

Сафарга комиссия аъзоларидан ташқари турли вазирликларнинг масъул кишилари, маданият ходимлари ҳам йўл олган эдилар. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков ҳам биз билан бирга автобусга чиқди.

Автобус Тошкентни ортда қолдириб Катта ўзбек трактига тушди. Йўл бўйи суҳбат қизиб борарди.

— Илгари Тошкентдан Самарқандга, Самарқанддан Тошкентга етиш шундай бир мушкул эдики, — деди Самарқанд вилоятига кўп йил раҳбарлик қилган Бектош ака Раҳимов.— Сирдарё, Ховос, Жиззах чўли орқали деярли бир кун юриларди. Бунинг устига йўл ўша пайтнинг ҳисобига кўра еттинчи даражали сифатдаги бир йўл эди. Умуман, жумҳуриятимизда биринчи даража талабига жавоб берадиган йўл йўқ эди. Авлодларимиз асрлар бўйи қатнаган энг қисқа Буюк ипак йўлининг излари йўқолиб кетганди. Самарқандга ҳам, Тошкентга ҳам мустамлакачилар чизиб кетган йўлдан қатнардик. Бу ҳол фақат йўловчиларга эмас, балки бутун халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтирарди.

Шундай бир шароитда Шароф ака Рашидов Буюк ипак йўли чизиғидан Катта ўзбек йўли ўтказиш ташаббускори бўлди. Табиийки, собиқ иттифоқимизда бундай қўламли ишни режага киритиш осон эмасди. Шунда Шароф ака Туркистон ҳарбий қўмондонлиги, Мудофаа вазирлигини ишга солди, кўп тортишувлардан сўнг бу йўл ҳарбий йўл сифатида қурила бошланди. Бугунги кунда Тошкентдан Нукусга чўзилган биринчи даражали йўл ана шундай саъйи-ҳаракатлардан сўнг ўзбек халқи пешонасига битган эди. Бу йўл бугунги кунда ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз халқига, халқ хўжалигига етказаётган фойдани миллиардлар билан ҳисоблаш мумкин, деб ўйлайман. Шароф ака ана шундай узоқни кўзлаб иш кўриш, улкан ишлар режасини қуришдек катта хислатга эга бўлган буюк инсон эди.

Дарҳақиқат, Катта ўзбек йўли аждодларимизнинг қадимий чизиғидан, буюк Амир Темур, Улуғбек, Бобурлар изидан ўтади. Бу йўлда сизга қадимий сардобалар, ўзбек халқининг ирода-матонати билан чўллаб, бўзлаб ётган ерлар ўрнида пайдо бўлган ям-яшил экинзорлар, боғ-роғлар, сўлим қишлоқ, шаҳарлар пешвоз чиқади. Ана шу эзгу ишлар мужассамидан Шароф Рашидов қиёфаси янада улканроқ бўлиб кўзга ташланади.

Комиссия аъзолари Шароф Рашидов номли майдон қурилишида.

Абдулла ОРИФ: Ўзбекистон халқ шоири

Умр учиб ўтган қуш, дейишади. Айниқса, фидойи инсоннинг умри. Шароф Рашидовнинг ҳамиша табассум ва меҳр тўла нигоҳи кечагидай ёдимда...

Бугун юбилей тараддуди туфайли Жиззахга келаётиб кўп нарсалар хаёлимдан кечди. Сирдарё кўпригигача қурилган муҳташам бинолар-ку, бизга ёд бўлиб кетган. Бироқ, кўприкдан ўтгач ҳам, назаримда, ҳар бир дарахт ортидан ўша нуроний чеҳра мўралаб тургандек. Машиналаримиз тулпордай елиб бораётган равон йўл ҳам, йўл четидаги дов-дарахт, боғ-роғлар ҳам Шароф отани алқаётгандек гўё.

Биз бугунги кўчма мажлисимизда Шароф Рашидов фондини таъсис этиб жуда тўғри иш қилдик, деб ўйлайман. Бу жамғарма бошқалардан тубдан фарқ қилиши лозим. Жамғарманинг асосий вазифаси Шароф Рашидов номини жаҳонга янада баландроқ олиб чиқишдан иборат бўлмоғи керак. Эҳтимол, Шарқ мамлакатлари аро Шароф Рашидов номли халқаро мукофот эълон қиламиз. Ҳуллас, бу фонд абадий бўлиб қолиши лозим.

Элимизнинг атоқли фарзандининг 75 йиллик юбилейи шубҳасиз, умумхалқ байрамига айланиб кетажак.

Автобус ниҳоят Жиззах вилояти чегарасига кириб келди. Бу ерда бизни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўктам Олимов, Сирдарё вилояти ҳокими Ботир Маҳмудов бошлиқ вилоят фаоллари кутиб олишди.

Комиссия бу ерга шунчаки мажлис ўтказиш учун борган эмасди. Аввало, янгидан ўрнатиладиган ҳайкал ўрни, 6 ноябрь куни очиладиган музей, халқ тантанаси ўтказиладиган хиёбонлар, Нуриддин ҳожи мадраса майдони, вилоят театри ҳамма-ҳаммаси қадам-қадам юриб кўздан кечирилди. Ишлаётган одамларда ғайрат-шижоат ёғилиб турибди.

— Ҳамюртимизнинг руҳи ҳам умумхалқ ҳашарида қатнашаяпти, — дейди Жиззах шаҳар ҳокими Аҳмад Соатов. — Ахир тантана нафақат бир кишига, бутун ўзбек халқига даҳлдор-да. Шунинг учун жиззахликлар ўша кунни орзиқиб кутишяпти.

Ҳа, бу гапларни эшитганда беихтиёр ўз халқи шаънини тупроққа қорганлар Жиззах бошига солган кунлар ёдга тушади.

— Рашидовнинг режалари улкан эди, — деб эслайди. юбилей комиссияси аъзоси, Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўктам Олимов. — Раҳматли вафот этдию қурилиш майдонларидаги барча иншоотлар Жиззахдан олиб кетилди. Вилоятимизнинг номини харитадан ўчириб ташламоқчи бўлишди. Хайрият, адолат бор экан, бахтимизга Ислом Абдуғаниевич майдонга мардона чиқиб, халқ дилидаги гапни баралла айтди. Энди яна Жиззах жамоли ўзлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги безаш ишлари бажарилаётган музей ичкарисига кирамиз. Шароф Рашидов босиб ўтган йўл бевосита Ўзбекистон тарихи билан уйғунлашиб кетганига ишонч ҳосил қиламиз. Тошкентдаги Ойбек уй-музейининг директори, маърифий масканлар яратишда бой тажриба тўплаган мутахассис Ўткир Ёрмуҳаммедов шу ерда безаш гуруҳига раҳбарлик қилмоқда. Ў киши зиёратчилар қаердан бошлаб томоша қилиши, қўйилган буюмлар қандай намойиш этилиши хусусида гапириб берди.

Халқимизда «яхшининг шарофати билан», деган ибора бор. Шароф Рашидов юбилейи шарофати билан унинг ота макони — Жиззахнинг кўркига яна кўрк қўшиладиган бўлди.

Шаҳарнинг қоқ марказида Шароф Рашидов ёдгорлик музейи қад ростламоқда. Аниқроғи, бир пайт Ота ўқиган Наримонов номли мактаб учун қурилган кутубхона биноси қайтадан таъмир этилмоқда. Айни шу кутубхонанинг қурилишида Шароф Рашидов ўзи бош-қош бўлган эди. Замона зайли билан энди у Шароф Рашидов музейига айланадиган бўлди.

Музейда ўн иккита бўлим бор. Уларга элликдан ортиқ мавзуда турли экспонатлар қўйилади. Улар орасида Фидель Кастро совға қилган тимсоҳ тимсолидан тортиб, фазогирларимиз туҳфаси— ой жисмларидан намуналар ҳам бор.

Музейга Шароф Рашидов оиласи туҳфа этган ёдгорлик совғалари алоҳида жозиба бахш этган. Шунингдек, Ўзбекистон халқ усталарининг энг нодир совғаларини ҳам фақат шу ерда учратиш мумкин.

Юртдошларимизнинг яна бир севимли масканларидан бирига айланажак бу даргоҳ юбилей кунлари эшик очиб, меҳмонларни кутиб олади.

Юбилей комиссияси мажлиси бошланиши олдидан ХДП Жиззах вилоят кенгашининг иккинчи котиби Ўрол Носиров бизга ўзининг «Шароф Рашидов — давр фарзанди» деган китобини тақдим этди. «Фан» нашриётида чоп этилган бу битикнинг ҳали босмахона бўёғи қуриб улгурмаган. «У кишидаги самимийлик ва юксак маданият, — деб ёзади сўз бошисида ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби Аснинг 75 йиллик юбилейидан кейин ҳам амалда бўлади ва айтиш мумкинки, келгусида у халқаро мукофотларга тамал тоши вазифасини ўташи кўзда тутилади. Шу маънода Ш. Рашидов фонди юбилей тадбирлари учун сарфланади, дейиш нотўғри бўлур эди. Газетхонларимиз фондга И. Ҳ. Жўрабеков раис этиб сайланганини ҳозиржавоб ахборотдан билишган, албатта. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, бу таклиф тилга олинганда ҳамма қизғин ва якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

— Юбилейни қандай ўтказишимизга қараб меҳмонларнинг Азимов, — дақиқаларни жиловлаб олган ишчанлик ва кўмакка ҳозир талабчанлик, доимо ҳушёр иш интизомли ва сабр-бардошли мураббийлик, уфқ доираси кенг, некбин дунёқараш ва тезкорликка кўниккан бой хотира, раҳбарлик иқтидори ва зукко салоҳият биринчи суҳбатдаёқ сезилиб турарди. Ҳар бир хатти-ҳаракатида оқсоқолларга хос нуронийлик, беминнат меҳр, диққат-эътиборимизни тез мафтун қиларди».

Комиссия раиси И. Ҳ. Жўрабеков эътиборни ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларга қаратди. Шу маънода ҳар ишнинг ўз мутасаддиси ҳукмрон комиссияси олдида ҳисоб берди. Вилоят театридаги ганч ўймакорлиги нақшлари уқаланиб кетган, нима қилиш керак? Бу саволга Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов шундай жавоб қилди:

— Биз «Усто» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан келишдик. Тезда таъмирлаш йўлга қўйилади. Биз бундай ишларга бошқа вилоятлардан ҳам ҳашарчиларни жалб этамиз.

Кун тартибига қўйилган муҳим масалалардан бири Шароф Рашидов фонди раҳбариятини сайлаш алоҳида муҳокамага мавзу бўлди. Мазкур фонд Ш. Рашидов да ўзбек халқининг қиёфаси ҳақида тасаввур туғилади,— деди комиссия аъзоси Б. Раҳимов. — Шунинг учун бирор жойда хом иш қилишга ҳаққимиз йўқ.

Жойларда қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида Жиззах вилоят ҳокими Э. Турсунов, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ў. Олимов, Жиззах шаҳар ҳокими А. Соатов ахборот бердилар. Тараддуднинг мароми каби лўнда, аниқ, кескир эди уларнинг ҳисоботи. Мажлисда энг майда ишир-чикирларгача кўриб чиқилди.

Шароф Рашидовнинг 75 йиллигини нишонлаш шунчаки мадҳиябозлик, тантанабозлик сифатида эмас, балки халқни яратувчилик ишига илҳомлантириш руҳида ўтаётгани, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти учун курашга муносиб ҳисса қўшилаётгани билан кишини қувонтиради. Тўй баҳонасида Жиззахдаги Нуриддин Ҳожи мадрасаси майдони янгича кўринишга эга бўлади. Театрдаги таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. Жиззах районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида янги мактаб биноси ишга тушади. Ҳа, бир умр яратувчилик, ижодкорлик билан ўзбек халқи манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилган Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги ана шундай эзгу тантана сифатида халқ ёдида қолажак.

Туроб МАҚСУД,
Шуҳрат ЖАББОР.



Шароф Рашидов уй-музейи макети билан танишув.

Юбилейга совға намуналари.

Жиззахда бу йил Ш. Рашидов йили деб эълон қилинган.

Шароф Рашидов номли майдон кўриниши.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• *Кўнгилда кечган гаплар*

ЯХШИЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Яхшиликнинг кечи йўқ, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Бугун биз кечикиб бўлса-да, халқ севган арбоб, ёзувчи Шароф Рашидов қутлуғ номини қайтадан тиклаётганимиз бунга далолат. Назаримда, унинг хотирасини кўпчилик қалбида ёлқинлантиришга ҳожат йўқдек. Негаки, Шароф ота миллионлаб юртдошларимиз хотирасида меҳрибон устоз, қалби кенг дўст, халқимизнинг ардоқли фарзанди, камтар инсон сифатида муҳрланиб қолган.

Тўғри, айрим шахслар ўз манфаатларини ўйлаб ул буюк зотнинг номини халқ хотирасидан ўчиришга интилишди. Лекин халқ адашмади, катта буюрганини эмас, юраги буюрганини қилди.

Яқинда пойтахтнинг «Чиғатой» қабристони ёнидан ўтаётиб, кўнглимда бироз Шароф ота қабрини зиёрат қилиш фикри туғилди. Дарвозадан ичкарига кирдим. Остонада мўйсафид, чол ўтирган экан. Ниятимни айтдим. «Қариндошимисиз», сўради у. «Йўқ, шунчаки ўзим», дея ўнғайсизландим. «Ундай бўлса юринг», йўл бошлади чол. Дарвозадан 50—60 қадамча юриб, ўнгга пастқам жойга бурилдик. Бир бурчакда турган оддийгина қабр тоши ёнига келиб тўхтадик. Нигоҳларим тошдаги ёзувга қадалди. Унда қисқагина қилиб «Шароф Рашидов 6. XI. 1917—30. X. 1983» деб ёзилган экан. Мўйсафид тиловат қилди. Биргалашиб дуога қўл очдик. Шунда хаёлимдан ярқ этиб бир фикр ўтди. Марҳум Шароф ота қабрини жойидан олиб бошқа жойга кўчириш билан нимага эришилди? Қайтанга элимизнинг дунё халқлари олдида миллий ғурури ерга урилмадими? Бу ишни буюрган нобакорлар ҳам шармисор бўлишди, айримларини эса марҳумнинг арвоҳи урди. Мен энди улардан ўч олиш керак, демоқчи эмасман. Асло йўқ.

Энди фақат ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришимиз, тарих берган сабоқни унутмаган ҳолда Шароф Рашидов ва у яшаган даврга холисона баҳо беришимиз керак. Кейин унинг номини абадийлаштириш ҳақида жойлардаги раҳбарларимиз юқоридан буйруқ кутмасдан ўз ташаббуслари ила ҳаракат қилганлари маъқул.

Дарвоқе, шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз: «Чиғатой» қабристонида Ш. Рашидов қабрини обод қилишга эътибор қаратиш лозим. Аслида марҳум қабрига қўйилган мармар тошни кўриб ачинасан, киши. Наҳотки, 24 йил ўз халқини ўйлаб тиним билмаган давлат арбобига шундай хотира тоши қўйилса? Мен Болтиқ бўйи республикаларида саёҳатда бўлганман. Уларда яхши бир одат бор: келган меҳмонни қабристонга ҳам зиёратга олиб боришади. Ўтмишда ким ва қандай инсон бўлганидан қатъи назар ҳар бир (марҳум) давлат бошлиқларини нфтихор билан таништиришади. Улар хотирасига қўйилган баҳайбат ҳайкалларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан. Бизда-чи? Майли, эндиликда марҳум қабрига қимматбаҳо мармардан хотира тоши қўйилмасин, лекин қабр атрофини озода тутиш, зиёратчилар учун ўриндиқлар қўйиш керак.

Эсдаликка келсак, шу ўринда мен бир таклиф киритмоқчи эдим. Пойтахтимизнинг Навоий номи билан аталадиган боғида юртимиз тараққиётига ў ёки бу даражада ҳисса қўшган давлат арбоблари хиёбонини яратсак. Бу ерда бобомиз Амир Темурдан тортиб Шароф Рашидовгача бўлган халқ севган атоқли арбобларнинг ҳайкаллари ўрнатилса, уларнинг таржимаи ҳоллари битилса. Кейин Ўзбекистон пойтахтига келган меҳмон, энг муҳими, ёшларимиз ҳам бу ерни зиёрат қилиб бизнинг тарихимиздан, ўтмишимиздаги арбобларимиздан воқиф бўлишса, нур устига аъло нур бўлмайдими?

Бинобарин, мустақиллик бизга кенг йўллар очди. Унинг шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланаётгани ҳам дурust. Иншоолloҳ, энди бу йўлдан қайтмасак керак. Зотан, жумҳуриятнинг ҳукуматининг саъйи-ҳаракатлари шундан далолат. Мана, Президент И. Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш комиссияси тузилди. Комиссия юбилей тантанасини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ўйлайманки, бу савобли тадбирни ўтказишда ўз элининг суюкли фарзандини қадрлайдиган кексаю ёш, раҳбару оддий ходим баб-баравар ҳисса қўшади.

А. БОЛИЕВ.

Футбол

ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН!

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий чемпионати ўтказилаётгани халқаро аҳамиятга ҳам моликдир. Бонси Низомга кўра ўзининг миллий чемпионатини ўтказаётган республика халқаро футбол уюшмасига аъзоликка қабул қилинади. Биринчи марта ташкил этилган миллий чемпионатимиз эса якунланиб бормоқда. Яна бир неча тур ўйинларидан кейин Ўзбекистон Республикаси чемпионлари аниқланади.

Маълумки, «Ўзбекистон овози» газетининг муҳарририяти мавсум бошида футбол мухлисларининг кўрик-танловини эълон қилган эди. Мақсад — Ўзбекистонда футболни янада оммавийлаштириш, ўйинчилару мухлислар даврасини кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат. Келаётган мактублардан шу нарса аён бўлмоқдаки, ишқибозлар кўрик-танлов шартларини тўғри тушуниб, малакали жавоб топишга ҳаракат қилишмоқда. Биринчи марта ўтказилаётган Ўзбекистон миллий чемпионатининг ғолибларини олдиндан тахмин қилиш, Осиё кубогикимга насиб этишини айтиб бериш кўпчиликни қизиқтирянти. Зеро, газета орқали эълон қилинган саволларга жадвални тўлдириш билан жавоб йўллаганлар тўғри йўлни танлаган бўлишса, мулоҳазаларини хат орқали ёзганлар қимматли вақтларини беҳуда сарфлашган. Шунингдек, танловимиз шартига кўра жавобларга почта орқали тўланган ўн сўмлик пул квитанцияларини қўшиб юборишни айрим мухлислар унутиб қўйишган.

Фурсат ғанимат. Баъзи сабаблар ҳамда ишқибозларга ён босиш мақсадида кўрик-танловни якунлаш муддатини бироз чўзишга қарор қилинди. Бундан ташқари олий ва биринчи лига футбол жамоалари чемпионатида кимларнинг чемпион бўлиши ҳали ҳам маълум эмас. Бу, мавсумнинг охирги учрашувларигача чўзиладиган кўринади. Шунингдек, Осиё кубогига асосий даъвогар бўлиб турган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентдаги учрашувда ғалабани бой бериб, имкониятини бироз йўқотди. Шунинг учун ишқибозлар кўрик-танловда иштирок этишга ҳаракат қилишса, омадлари келиб ғолиб бўлишлари ҳеч гап эмас.

Кўрик-танлов саволларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз:

1. Мустақил Ўзбекистон олий лига футбол жамоаларининг дастлабки миллий биринчилиги ғолибининг номини айта оласизми?

2. Олий лига ўйинларида дарвозани кўп марта нишонга олиб, «моҳир тўпурар» номини олиш кимга насиб этаркин?

3. Биринчи лигадан қайси жамоаларни олий лигага ўтиш учун асосий талабгор бўлади, деб ўйлайсиз?

4. Осиё кубоги кимларга насиб этишини айта оласизми?

5. Ўзбекистон футболининг халқаро нуфузини ошириш учун, сизнингча, нималарга эътибор қилиш керак?

Жавобларни исм-шарифингизни тўлиқ кўрсатган ҳолда почта орқали юборилган пул квитанциясини қўшиб, 25 октябрдан кечиктирмай юборсангиз кўрик-танловимизда иштирок этишга улгурган бўласиз.

Танлов иштирокчиларига кўмаклашиш мақсадида ўйинлар жадвалидаги бугунги манзарага назар ташлаб баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Олий лига жамоаларининг биринчилигида оралиқ маррага (биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб) етиб келган «Пахтакор» билан «Нефтчи» футболчилари ғолибликка асосий даъвогар бўлиб туришибди. Мавсум охиригача пахтакорчилар сафарда битта, ўз майдонларида иккитадан, «Нефтчи» эса ўз майдонида иккита учрашув ўтказади. Шунингдек, кучли олтиликдан жой олиб турган «Нурафшон», «Сўғдиёна», «Темирйўлчи», «Навбаҳор» жамоалари ҳам фахрли ўринлардан бирига талабгорлик қилишлари мумкин.

Осиё кубогини қайси жамоа қўлга киритиши ҳам ҳали маълум эмас. Балки 25 октябрь куни ўтказиладиган навбатдаги учрашувлардан кейин совриндор жамоанинг номи аниқланар. Зотан, Ўзбекистон миллий жамоаси ҳозирча пешқадамлик қилмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

• Оила даврасида мутолаа

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

«Қани энди юз йил яшасанг-у, сирр қаримасанг!». Бу ширин туйғу ҳаммамизнинг дилимиздан бир-бир ўтиши табиий. Гапнинг рости, узоқ умр кўришни ким ҳам истамайди!! Ҳатто улуғ аллома Ибн Сино ҳам тутун, чанг бўлмаса инсон минг йил яшар эди, деб орзу қилгани бежиз эмас. Чиндан ҳам узоқ умр кўриш ва кексайиш инсониятни қизиқтириб келаётган энг муҳим муаммолардан бири. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўзининг қанча умр кўришини билишга қизиқиши шубҳасиз.

УЗОҚ умр кўриш масаласи барча давр кишиларини ҳаяжонга солиб, уларни жиддий тўлқинлантириб келганлигини тарих саҳифаларини варақлаганда ҳам кўрса бўлади. Бу ҳақда қадимий Миср ва Хитой иероглифлари, Ҳиндистон ва Грециянинг кўҳна ёдгорликлари ҳикоя қилади. Ҳатто Элладада кишиларга қон қуйиш орқали гўзал ёшлигини қайтариб берувчи сеҳргар Медей ҳақида афсона пайдо бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Яна бир мисол. 1889 йил июнь кунларининг бирида бутун дунёга дув-дув гап тарқалди: таниқли француз олими Шарл Броун-Секар инсонни «ёшартириш» усулини топди. Кўп сонли газетхонлар иш қобилияти ва уйқусини йўқотган етмиш икки ёшли олим Броун-Секар қуёнинг пушт безидан дори тайёрлаб, ўзини ўзи эмлагани ва у бирдан ёшариб кетганидан хабардор бўлдилар. «У ўзида кўплаб куч-ғайрат, тетиклик сезди. «Бироқ иш жуда қалтис чиқиб қолди, — деб ёзган эди И. П. Павлов. — Ёшариб ва ўзини яхши ҳис этаётган Броун-Секар бир неча ой мобайнида ўзини жуда тетик тутди, сўнг яна қариб, мункиллаб қолиб, тез орада оламдан кўз юмди».

Ана шу воқеадан кейин ҳам тез қаришнинг олдини олиш ва навқирон ёшлигини анча вақтгача сақлаб қолиш учун кураш кескинлашди.

Алломаларнинг илмий кузатувларидан шу нарса маълумки, умуман, узоқ умр кўрувчилар ё доим меҳнат билан банд бўлганлар, ё мунтазам ҳаракатда бўлиб, самарали ижод билан шуғулланганлар. Яхшиси, кексалар гапига қулоқ солайликчи, узоқ умр кўришларининг «сири» нимада экан?!

Тошкентнинг Кўкча даҳасида юз ёшдан ортиқ умр кўриб, вафот этган Зеби момо Иброҳимова шундай деган эди: «Ўзимга-ўзим иш топиб юраман. Ҳаракат қилмасам ўтириб қоламан». Биз юз саккиз ёшли француз Эрнестина Копэн қарийб бутун умри давомида маълум бир вақтда туриб, овқатланганини қайд этса, бир юз етти ёшли Жан Тэйе эса: «Мен ҳеч қачон ва ҳеч нарсадан ғазабланмайман, ҳеч кимга ҳасадгўйлик қилмайман ҳам» — деган эди. Қарийб бир юз етмиш йил умр кўрган Шерали Муслимов ҳам бутун ҳаёти мобайнида фақат меҳнат билан шуғулланган.

Кексаларга, умуман, қари-ю ёшга куч-мадор бағишловчи омиллар ичида ҳаракат ва меҳнатнинг аҳамияти беқиёс. Ҳаракат—умрга баракат, деган нақл бекорга айтилмаган. Фойдали ҳаракат, қизғин меҳнат орқасида ҳатто оғир хасталиклардан халос бўлиб, умрига умр қўшган кишилар сафимизда оз эмас. Шу ўринда мен ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани мисол қилиб келтирмоқчиман. Бундан йигирма йил муқаддам энг яқин танишларимиздан бири оғирлашиб қолиб, Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирига ётқизилди. Беморни обдон синчиклаб кўрган профессор жиддий оҳангда деди:

— Касални анча кечикиб олиб келибсизлар, жигари қурий бошлаган...

Шундан кейин танишим бир ойдан ортиқ ётиб, даволаниб чиқди. Ранглари олдингидек синиққан, кўзлари ич-ичига кириб кетган. Мадорсиз, руҳи анча тушган. Лекин яшашга интилиш иштиёқлари сўнмаган.

— Парҳезни қаттиқ ушланг. Ўзингизни ниҳоятда эҳтиёт қилинг. Иш қиламан деб, сираям урнаб кўрманг...! Профессорнинг бемор шифохонадан чиқадиган куни айтган ушбу гаплари кечагидек ҳалиҳамон қулоқларим тагида эшитилиб турибди. Ўшанда орадан кўп ўтмай кўришга борсам, танишим ҳайҳотдек томорқасининг ичида кетмон кўтариб турибди. Кўзларимга ишонмадим.

— Профессорнинг гаплари дарров эсингиздан чиқибди-да, — деб койиган бўлдим.

— Озгина қимирлаб турмаса бўлмайди, ука, одам зерикиб қоларкан, — деди ўзини ноқулай ҳис этиб.

— «Жигарингиз қалай?»— десам, «Бироз оғриб турибди», — деди биқинини ушлаб.

Шундан кейин қачон борсам, уни нуқул қўлида кетмон билан учратадиган бўлдим. Ҳатто бир куни қаттиқ койиб ҳам ташладим.

— Ука, яшаш пешонамга қанча ёзилган бўлса, шунча яшайман, лекин ҳаракатсиз туролмайман,—деди.

Шу-шу мен танишимга «Билганингизни қилинг», деб бошқа гапирмайдиган бўлдим. Лекин унинг қўлидан сира кетмон тушмасди. Худонинг марҳаматини қаранг: «қуриб бораётган жигар» яна ишлаб кетди, шекилли, биқинингиз қалай, десам, ҳозирча кўз тегмасин, яхшиман, деб жавоб беради. Ана ҳаракатнинг, меҳнатнинг каромати! Агар ўшанда у дардим оғир экан, деб, астойдил кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганда ким билади, дейсиз оқибати нима билан тугарди. Ҳозир ҳам анча тетик, бир қучоқ неваралари бағрига босиб ўтирибди. Бу мисол билан мен ўша профессорга ҳеч қандай шак келтирмоқчимасман. Аксинча, айтмоқчи бўлган гапим шуки, кўп нарса беморнинг ўзига ҳам боғлиқ экан. Умрга-умр қўшиб боришнинг йўллари, ўзига хос сирлари кўп.

УЗОҚ умр кўриш масалалари билан шуғулланган олим Гуфеланд: «Ҳалигача бирорта ялқов одам узоқ умр кўрган эмас», — деганда ҳақ эди.

Меҳнатдан қарилик қочади, деган гап бор. Академик З. Г. Френкель юз ёшга тўлганида ундан: «Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?» — деб сўрашганида у: «Мен умрим бўйи меҳнат қилдим. Ақлий ва жисмоний ишни сира тўхтатмадим» — деб жавоб берган экан. Умрининг юз йилини гилам тўқишга бағишлаган Зибейда Шейдаевани, эҳтимол эшитганлар бордир. Бир юз ўн тўрт ёшли бувига: «Кўзингиз чарчамайдими, сизга оғир эмасми?» — дейишганида, у айтган эди: «Йўғе, ишга кўникканман. Мен учун оғир нарса — барча болаларим, невара, чевараларим номини эслаб қолишдир».

Биз истаймизми, истамаймизми— умр ўтаверади, кундан-кунга кексайиб бораверамиз. Шунинг учун ҳам геронтолог олимлар киши йигирма беш ёшдан бошлаб ҳар куни қариш жараёнини «тўхтатиш»га ҳаракат қилиб, боришини алоҳида таъкидлашади. Ёшлигида уч-тўрт пудлик қопларни даст елкасига кўтара олган табаррук отахонларимиз: «Қани энди навқиронликдаги кучқувватим бўлса эди!» — деб бежиз орзу қилишмайди.

Хўш, одам боласи нега қарийди? Бунга қандай омиллар сабаб бўлади? Кейинги пайтда олиб борилган илмий-тадқиқотлар кўрсатадики, одамлар тўқималари ва органларида қариш чоғида бирмунча миқдорда витаминлар, кўплаб аминокислоталар, минерал моддалар камайиб кетаркан. Бу нарса сурункали тусга кирганидан сўнг моддалар алмашинуви ва ички органлар фаолияти бузилар экан. Бора-бора оқсиллар, ферментлар, гормонлар, нуклеинлар ва ёғли кислоталарнинг синтезига салбий таъсир кўрсатаркан. Натижада одам танасининг ҳимоя кучи бўшашаркан, унинг мослашиш имконияти, фаоллиги, меҳнат қобилияти пасаяркан. Атеросклероз, қон босими, қанд каби хасталиклар пайдо бўлиши ана шулардан экан.

Кексаликни даволаш учун бир қанча витаминларни синаб кўрган, ёши саксондан ошган румин физиологи К. Пархон қарилик даволаш мумкин бўлган касалликдир, деган эди. У икки фоизли новокаин эритмасини мускул ичига юбориш устида изланишлар олиб борган. Ўн икки марта дори юборилгандан кейин танаффус қилиниб, сўнг муолажа яна давом эттирилган. Бу тажриба шуни кўрсатдики, новокаин атеросклерознинг тескарига қараб ривожланишини келтириб чиқарар, йўқ бўлиб кетган баъзи бир суяк-пай рефлексларини тиклар, ички секреция безларининг фаолиятига самарали таъсир кўрсатиб, сочнинг оқариши ва тўкилишига чек қўяр, асабни яхшилар, мускуллар кучини ошираркан.

Одам кексайганида хотиранинг заифлашиши турмушда ҳийла кўп учрайдиган ҳодиса. Вафотидан сал илгари кар бўлиб қолган композитор Бетховен анча аввалроқ кўрганбилганларини мутлақо унутадиган бўлиб қолган. Лекин, мусиқа санъати соҳасидаги бой хотираси умрининг охиригача сақланиб қолган эди. Олимларнинг қайд этишича, қариганда хотиранинг заифлашишига бир қатор омиллар билан бирга мияда қон айланишининг бузилиши ҳам таъсир қилар экан.

Хушчақчақлик, кулги, ёқимли ва самимий муносабат — узоқ умр кўриш ва саломатлик омили.

Соғлом яшаш ва узоқ умр кўриш учун ёшликдан бошлаб овқатланиш меъёри ва тартибга тўғри амал қилиш керак, деб уқтиришади шифокорлар. Олимлар тавсиясига кўра, таҳминан етмиш ёшга борганда овқат калорияси ўттиз фоиз камайтирилиши лозим. Кексалар овқати озгина ва созгина, ширали ва сифатли бўлиши зарур. Семириш — кексайиш, деган нақл бор. Овқатланиш хусусида гап кетганда қадимий Риммнинг марказий майдонидан бирида бир юз икки ёшли кексанинг қабридаги ҳайкалга битилган қуйидаги қисқа жумлаларни эслаб ўтмай илож йўқ:

«У меъёрида еди ва ичди!».

Асалари заҳари қонда холестеринни камайтириши, кексаликка олиб борувчи атеросклероз ва бошқа дардларнинг пайдо бўлишига чек қўйиши олимлар томонидан исботланган.

Тибетни энг узоқ умр кўрувчилар минтақаси, дейиш мумкин. Донгези қишлоғида 1942 йилдан буён бирорта ҳам ўлим рўйхатга олинмаганлиги ҳақида жаҳон матбуотида қизиқ хабар босилди. Бу ерда олти минг киши истиқомат қилади. Уларнинг энг кексаси яқинда ўзининг 142 ёшини нишонлади. 188 киши эса бир юз ўттиз ва ундан ортиқ ёшда.

Биз ушбу мақолада кўпроқ ўзга юртлар олимлари мулоҳазаларидан мисол келтирганимизнинг сабаби бор. У ҳам бўлса бир вақтлар марказнинг хоҳиш-иродаси билан иш тутиб Ўзбекистонда геронтология хизмати яхши ривожланмай қолиб кетди. Шаҳарларда ташкил этилаётган консультация, гериатрия хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмади, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш оқсаб қолди. Эндиликда тиббиёт институтлари ва ўқув юртларида геронтология ва гериатрия асослари бўйича машғулотларни изчил ўқитиш пайти келди.

Ҳозирги вақтда геронтолог-олимларимиз олдида овқатланиш ва кексайиш, ҳаракат ва кексайиш, ташқи муҳит ва кексайиш, турмуш тарзи ва кексайиш каби қатор муаммоларни ҳал этишдек муҳим вазифалар турибди.

Қари бор уйнинг зари бор, деб бежиз айтишмайди. Келинг яхшиси, кексаларни асрайлик, уларни эъзозлайлик. Бир кун келиб ўзимиз ҳам қариймиз. Шундай экан, қариялар чин маънода чексиз меҳр-муҳаббат ва иззат-икромга сазовордирлар.

Миршароф МУҲСИМОВ.

• «Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига

Ҳасан-Ҳусан пойгачилар. Неъмат РАҲМОНОВ олган сурат-лавҳа.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ОЙДИН ХОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА.
- «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).
- «БОЛА ҲҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
- «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ХАЛОЛ ЛУҚМА».
- ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
- НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

• Спорт

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди.

«Нурафшон — Сурхон» — 4:0, «Мароқанд» — «Навбаҳор» — 1:1, «Янгиер» — «Наврўз» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Трактор» — 3:0, «Кимёгар» — «Чирчиқ» — 2:2, «Нефтчи» — «Пахтакор-79» — 4:0, «Шаҳрихончи» — «Пахтакор» — 1:2, «Косонсойчи» — «Орол» учрашуви бўлмади. Ҳозир пахтакорчилар билан «Нефтчи» футболчилари 47 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Нурафшон» ҳам 46 очко билан совринли ўринлардан бирига даъвогар бўлиб турибди. «Сўғдиёна» ҳисобида 44 та очко бор.

ФИШЕР—СПАССКИЙ — 8:4

● ДАМ ОЛИШ кунлари Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида яна икки учрашув бўлиб ўтди.

21-учрашувда шахмат даҳоси Фишернинг қўли баланд келди. У умумий ҳисобни ўз фойдасига 8:4 қилиб ўзгартирди. 22-учрашувнинг 26-юришига борганда эса гроссмейстерлар ўзаро келишиб, дурангга рози бўлишди.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

«НАЖОТ» ХАЛҚ ТАБОБАТИ ХАЙРИЯ—САВОБ ФИРМАСИ

бош шифокори, руҳий табиб, ноёб қобилият эгаси

МАЛИКА АЗИМОВА

ВА

аутотренинг ҳамда Бутейко усули билан даволовчи мутахассис-шифокор

ҚОСИМЖОН ИРИСБОЕВ

қуйидаги хасталиклар бўйича

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИ ЎТКАЗАДИ:

СУРУНҚАЛИ ТОНЗИЛЛИТ, АЛЛЕРГИЯ, ЮРАК ХАСТАЛИҚЛАРИ, ЖИНСИЙ АЪЗО КАСАЛЛИҚЛАРИ, КИСТА, ТУХУМДОН ШАМОЛЛАШИ, МИОМА, ФИБРОМА, ЭНДОМЕТРИТ, ҚЛИМАКТЕРИК НЕВРОЗЛАР, ПРОСТАТИТ, ЖИНСИЙ ЗАИФЛИҚЛАР

Даволаш муолажалари 20, 21, 22, 23, 24, 25 октябрь кунлари соат 12.00 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: (Тошкент халқа йўли) Юнусобод мавзеси, Халқаро ўрмон хўжалиги тижорат ўқув маркази биноси, «Нажот» халқ табобат хайрия — савоб фирмаси.

Фирмага Мустақиллик майдонидаги Истиқлол бекатидан 169-автобусда, Дарҳон посёлкасидаги Давлат автомобиль назорати (ДАН)нинг «Уч қаҳрамон» бекатигача борилади.

ТЕЛЕФОН: 35-48-57.

БОШ МУҲОСИБЛАР ЭЪТИБОРИГА!

1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро стандартларга мўлжалланган муҳосиблик ҳисоби счётларининг янги режаси жорий этилади.

«НУР» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ

«БУХГАЛТЕР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ I КИТОБИНИ, РУС ТИЛИДАГИ I ва II КИТОБИНИ ХАРИД ЭТИШИНГИЗНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблар янги режасига батафсил шарҳлар, счётлар режасини қўллаш бўйича йўриқномалар, кичик корхоналарда бухгалтерлик ҳисоблари ва бошқалар келтирилган.

Тез орада «Бухгалтер энциклопедияси»нинг II китоби ҳам босмадан чиқади, унда бухгалтерлик ҳисобига доир янги қонунчилик ва йўриқнома — методик материаллар, шунингдек хусусийлаштириш соҳаси бўйича бухгалтер билиши лозим бўлган асосий тушунчалар ва категориялар, шунингдек масъулияти чекланган жамиятлар, акционерлик жамиятлари таъсис ҳужжатларининг намуналари ўрин олган. Мазкур китобда бундан ташқари соддалаштирилган схема бўйича журнал — ордерларни тўлдириш ва фойдаланиш тартиби ҳам келтирилган.

БИЗНИНГ МИЖОЗЛАРИМИЗ — БООБРУ ФИРМАЛАРДИР.

Фақат бизнинг мижозимиз бўлганингизда Сиз ўз молиянгиз ва ҳисобингиз учун хотиржам бўласиз.

«НУР» ИЛМИЙ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ— БУ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗДИР.

Шуни хабар қиламизки, «Бухгалтер энциклопедияси» ҳар бир китоби 398 сўм туради. Бизнинг реквизитлар: Тошкент шаҳар Саноат қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлимидаги ҳисоб рақами — 100609038, код рақами — 172682313.

Ҳақ нақд ва пул ўтказиш йўли билан тўланиши мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700128, Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси, 5-А А/Қ 1911 (Сув хўжалиги вазирлигининг биноси, 7-қават, 714-хона).

Телефон: 41-03-74, 41-26-01, ички 5-71.

Тошкент шаҳридаги 10-(30) ҳунар-техника билим юрти томонидан Д. Г. Юнусов номига берилган 563-рақамли йўқолган аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети «Ҳаёт ва иқтисод» («Жизнь и экономика») журналининг Бош муҳаррири И. М. Хушевга онаси

Ҳидоят аянинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети ва физика факультетининг жамоаси шу факультет деканининг муовини А. У. Назаровга онаси

Бибихон НАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекнефтгаз» концернининг ишчилар таъминоти савдо ишлаб-чиқариш бирлашмаси жамоаси чакана савдо корхонаси директори А. И. Абдураҳмоновга отаси

Икромхўжа АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон Давлат уюшмаси Тошкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори Р. М. Ғуломовага волидаи муҳтарамаси

Мадина ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят муҳбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Умида ФАЙЗИЕВА.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—23.30. Г—394. № 206. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12